

BUNYODKOR

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА



Президент Шавкат Мирзиёев сув ҳўжалигида энергия самардорлигини ошириш, илмий салоҳиятни ривожлантириш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишлари билан танишди.

Унда Қорақалпоғистондаги 276 та насосни босқичма-босқич замонавий энергия тежамкор агрегатларга алмаштириш орқали йиллик 25 миллиард сўмга тенг электр энергияси иқтисод қилиниши ва лойиҳа сарф-харажатлари 14 ой ичида ўзини оқлаши мумкинлиги таъкидланди.

Шунингдек, Тошкент ирригация университетида иқлим ўзгаришини таҳлил қилиш учун рақамли технологияларга асосланган миллий платформа яратиш, космик кузатув станциялари барпо этиш, “Сув дипломатияси” магистратура йўналишига халқаро мақом бериш кўзда тутилгани маълум қилинди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент ирригация университетини дунёнинг ТОП-300 талик университетлари қаторига киритиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишни топширди.

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



“ШАРҚ БАҲОРИ” КОНЦЕПЦИЯСИ ЖАМОАТЧИЛИККА ТАНИШТИРИЛДИ

“Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш” дирекциясида мамлакат тарихидаги энг йирик шаҳарлашув ташаббусларидан бири бўлган Янги Тошкент лойиҳасининг 2 йиллиги муносабати билан марказий турар жой ҳудуди “Шарқ Баҳори” концепцияси жамоатчиликка таништирилди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистоннинг XXI асрдаги энг йирик шаҳарлашув ташаббуси Янги Тошкентнинг марказий таянч ҳудуди сифатида жамоатчиликка тақдим этилди.

“Шарқ Баҳори” аҳолининг кундалик эҳтиёжларини бир маконда жамлашга қаратилган “15 дақиқалик шаҳар” таъминоти асосланиб, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва хизмат кўрсатиш объектиларига тезкор ва қулай киришни таъминлайди. Кенг яшил ҳудудлар, ички ховли-ли блоклар ва ривожланган

пиёда муҳит маҳалла маданиятини замонавий талқинда қайта жонлантиради. Лойиҳада ақли технологиялар, энергия самардор тизимлар ва рақамли хавфсизлик ечимлари жорий этилади. Тақдирнинг расмий маросимини қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Ҳидоят

очиб берди. Тадбирда, шунингдек, вазири ўринбосари, “Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш” дирекцияси раҳбари Давронжон Адиллов сўзга чиқиб, “Шарқ Баҳори”нинг Янги Тошкент концепциясидаги ўрни ва стратегик аҳамиятига алоҳида тўхтади.

▶ 2-бет

ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазириликда коррупцияга қарши курашиш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Давронжон Адиллов бошчилигида вазириликнинг марказий аппарати масъул ходимлари иштирок этди.

Тадбир давомида коррупцияга қарши ички назорат бўлимлари фаолиятини замонавий ва самарали механизмлар асосида ташкил этиш, белгиланган вазифаларни аниқ ҳамда тизимли ижро этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг долзарблиги, уларнинг давлат бошқарувида шаффофлик ва очиқликни таъминлашдаги аҳамияти қайд этилди. Хусусан, коррупцияга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этиб, муносиб хисса қўшган бир қатор мутахассислар Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ташақкурномаси билан тақдирланди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов бошчилигидаги ишчи гуруҳи Қибрай туманида ижтимоий аҳамиятга эга объектларда амалга оширилган қурилиш ва реконструкция ишлари ҳолати билан танишди.



Ўрганишлар давомида Республика болалар таянч-ҳаракат тизими касаликларни реабилитация марказини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, шунингдек, унинг қувватини 100 ўрндан 200 ўринга ошириш бўйича бажарилган ишлар кўздан кечирилди.

Лойиҳа доирасида тиббиёт ва ёрдамчи мақсадларга мўлжалланган жами 7 та бино реконструкция қилинди. Жумладан, 1 та бир қаватли, 4 та икки қаватли ва 2 та уч қаватли блоклар замонавий талаблар асосида янгиланди. Объектнинг умумий майдони 39 727,1 квадрат метрни ташкил этиб, қурилиш, обдонлаштириш ва қоплама ишлари белгиланган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилди.

Маълумот ўрнида, объект 2021 йил 10 июнь кунини қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган. Бугунги кунда қурилиш ишлари тўлиқ якунланган бўлиб, объектни фойдаланишга топшириш бўйича расмийлаштириш жараёнлари олиб борилмоқда.

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасида иссиқлик таъминоти тизимини яхшилашга қаратилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вазири ўринбосари Озода Жўраева, “Иссиқликтаъминоти” АЖ бошқаруви раиси Илҳом Тўраев ҳамда соҳанинг мутахассислари иштирок этдилар.



Йиғилишда иссиқлик тизимини ривожлантириш, давлат дастурлари ижросини таъминлаш, Халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан инновацион лойиҳаларни жорий этиш йўналишларидаги долзарб вазифалар атрофида муҳокама қилинди. Шу билан бирга, ўз вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашган масъуллар фаолияти кескин танқид қилинди.

Тадбир доирасида тайинлов ҳам амалга оширилди. “Иссиқликтаъминоти” АЖ қарорига асосан, Анвар Бўриев Навоий вилояти “Иссиқлик таъминоти” МЧЖ директори в.б. лавозимига тайинланди. Йиғилиш якунида жамиятга тизимдаги мавжуд носозликларни бартараф этиш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ҳамда масъуллар дахлдорлигини кучайтириш вазифалари қўйилди.

Самарқанд шаҳрининг “Саттепо”, “Сўғдиёна” ва “Микрорайон” ҳудудларида 20 йил атрофида иссиқлик бўлмагани аҳоли турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатиб келаётган эди.

“РК-2” марказий қозонхонасидаги реконструкция ишлари, хусусан, 39,4 километр узунликдаги тенг қобили иссиқлик қувурларини ётқизиш, шунингдек, умумий қуввати 100 Мвт бўлган 3 та замонавий қозонхона (2 та 30 Мвт, 1 та 40 Мвт) қурилиши натижасида 22 та ижтимоий соҳа объекти, 381 та кўп қаватли уй ва улардаги 18 864 та хонадон иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминланади. Бу эса, жами 53 046 нафар аҳоли учун барқарор ва самарали иссиқлик таъминотини яратди.

Вазири ўринбосари Озода Жўраева, “Иссиқликтаъминоти” АЖ бошқаруви раиси Илҳом Тўраев, Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Наврўз Раҳмонов ва бошқа масъул ташкилотлар вакиллари ушбу қозонхонада амалга оширилган ишларни кўздан кечирдилар. Мутахассислар иштирокида қозонхона синов тарихида ишга туширилди. Озода Жўраева иссиқлик таъминоти етказиб берилган ушбу ҳудуддаги кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи бошқарув органлари ҳамда аҳоли вакиллари билан суҳбатлашиб, уларнинг соҳага доир муаммолари, тақриф ва мулоҳазаларини қабул қилди. Жараён якунида Абу бақр Розий кўчаси 41-сон уй техник ҳолати ҳамда унда жойлашган ИИП (индивидуал иссиқлик пункти) кўздан кечирилди.

НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан Нурота тумани Деҳқабаланд маҳалласида барпо этилаётган фотозлектр станциясида навбатдаги мониторинг ўтказилди.

Ўрганиш давомида бажарилаётган ишлар ҳолати атрофида кўздан кечирилиб, қурилишда қўлланилаётган технологиялар, материаллар сифати ҳамда уларнинг амалдаги меъёр ва стандартларга мувофиқлиги батафсил таҳлил қилинди.

Пудрат ташкилотига ишларни лойиҳа ҳужжатларига тўлиқ амал қилган ҳолда, сифатли ва аниқ бажариш зарурлиги яна бир бор эслатилди. Чунки белгиланган талабларга қатъий риоя этиш – иншоотларнинг мустаҳкамлиги, узок йиллар давомида хизмат қилиши ва энг муҳими, аҳолининг хавфсизлигини таъминлашнинг асосий гаровидир.

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан Қарши тумани “Янги Ўзбекистон” массиви ҳудудида қурилаётган 9 қаватли турар жой биносидан навбатдаги мониторинг тадбирлари ўтказилди.



Ўрганиш жараёнида объектда меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаган, зиналар ҳамда лифт шахталари атрофи тегишли тарзда ўраб чиқилмаган, ижро ҳужжатлари ва умумий ишлар журналлари ўз вақтида юритилмаган, ишчилар маҳсус кийим-бош билан тўлиқ таъминланмагани аниқланди. Камчиликлар юзасидан буюртмачи, лойиҳачи ва пудрат ташкилотларига бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилди ҳамда уларнинг ижроси инспекция томонидан назоратга олинди.



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбари Сирожиддин Эшқувватов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Нукус шаҳридаги қурилиш объектларини кўздан кечирди.

Жумладан, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг янги 1800 ўринли ўқув-лаборатория биноси қурилиш ишлари ўрганилди. Мазкур бино замонавий стандартларга мувофиқ барпо этилмоқда ва талабалар учун сифатли таълим олиш имконини таъминлайди. Шу билан бирга, бино илмий-тадқиқот ва лаборатория фаолиятини ривожлантириш, замонавий таълим талабларига мос муҳит яратишга хизмат қилади.

Шунингдек, ишчи гуруҳ томонидан Нукус шаҳрида қурилаётган кўп қаватли уйларнинг қурилиш жараёнлари ҳам ўрганилди. Ишчи гуруҳ



объектлардаги қурилишнинг масъул шахсларига лойиҳа талабларига қатъий риоя қилиш, ишчилар учун хавфсиз ва қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда қурилиш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажаришнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясига қарашли қурилиш-синов лабораторияси ҳамда бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлимида мутахассислар малакасини оширишга қаратилган навбатдаги ўқув семинари бўлиб ўтди.

Айни кунда мазкур бўлим замонавий техника ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган бўлиб, 34 турдаги қурилиш-синов ишларини амалга ошириш ҳамда улар асосида тегишли хулосалар бериш имкониятига эга. Бу эса, қурилиш жараёнларида сифат ва хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўқув семина-

ри давомида қурилиш конструкцияларини ўрганиш, конструкцияларда қўлланилаётган бетонларни баҳолаш, шунингдек, уларнинг мустаҳкамлигини аниқлаш масалалари юзасидан атрофида тушунчалар берилди. Амалий машғулотлар орқали иштирокчилар ўз билим ва тажрибаларини янада мустаҳкамладилар.

“ШАРҚ БАҲОРИ”

концепцияси жамоатчиликка таништирилди



1-бет

Янги Тошкентнинг юрагида, ва- зирлик бинолари оралигида жой- лашган “Шарқ Баҳори” замонавий урбанистика тамойилларини миллий маданий мерос билан уйғунлашти- рган ҳолда ишлаб чиқилган. Умумий қурилиш майдони 1,8 миллион квад- рат метрни ташкил этувчи мажмуа 260 та блок, 13 879 та турар жой ва 1 121 та тижорат объектларини қамраб олади. 100 минг квадрат метр яшил ҳудуд, боғ ва хиёбонлар орқали “яшил шаҳар” концепцияси амалда номоён бўлиб, “15 дақиқалик шаҳар модели” асосида барча асосий ижтимоий ва хизмат кўрсатиш объектларига тезкор кириш имконияти яратилди.

Лойиҳа марказий жойлашуви билан ажралиб туради: метро бекати, давлат идоралари, таълим муассасала- ри, маданият масканлари ва иш мар- казлари қисқа масофада жойлашган. Атрофдаги етакчи олий таълим муас- сасалари, йирик маданият объектири ҳамда ривожланган пиеда ва велоин-

фратузилма “Шарқ Баҳори”ни яшаш, ишлаш ва дам олишни бир маконда уйғунлаштирган замонавий шаҳар муҳитига айлантиради. Архитектура ечимларида миллий анъаналар замо- навий дизайн билан уйғунлашиб, ички ховлилар ва ярим-хусусий маконлар орқали маҳалла концепцияси янги талкинда ривожлантирилган.

“Шарқ Баҳори” тўлиқ ақлли инфра- тузилма ва қайта тикланувчи энергия тизимларига асосланиб, хавфсизлик, энергия самардорлиги ва рақамли бошқарув бўйича халқаро стандарт- ларга мос равишда лойиҳалаштирил- ган. Турар жойлар 2-4 хонали бўлиб, қулай режалаштириш ва замонавий муҳандислик ечимлари билан таъ- минланган. “Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш” дирекцияси қафолати остида амалга оширилаётган лойиҳа қулай моливий шартлар орқали на- фақат яшаш, балки инвестиция учун ҳам ишончли ва узоқ муддатли ис- тикболга эга шаҳар маконини тақлиф этади.

Ўз мухбиримиз.

Ичимлик суви сифати ва назорати – МУҲИМ МАСАЛА

Мамашариб МУХТОРОВ, Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй- жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси.

Ичимлик суви эпидемик жихатдан хавфсиз, кимёвий таркиби бўйича зарарсиз, ёқимли органолептик (таъм, ҳид, ранг, шаффоқлик) хусусиятларга эга ҳамда радиация нуқтаи назаридан хатарсиз бўлиши лозим. Тоза ва хавфсиз ичимлик сувидан фойдаланиш аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.



Сув инсон ҳаёти учун зарур бўлиб, организмнинг деярли барча функция- ларида – овқат ҳазм қилиш, қон айла- ниши, моддалар алмашинуви ва шлак- ларни чиқариб ташлаш жараёнларида фаол иштирок этади. Ифлосланган су- вни истеъмол қилиш эса ошқозон-ичак инфекциялари ва бошқа жиддий касал- ликларга сабаб бўлиши мумкин.

Ичимлик сувида учрайдиган ифлос- лантирувчи моддалар асосан биологик, кимёвий ва физик турларга бўлинади.

Биологик ифлослантирувчилар – ичак таёққаси, салмонелла, вабо вибри- оиони, турли вируслар, лямббиялар ва бошқа микроскопик паразитлар бўлиб, диарея, ошқозон-ичак бузилишлари ва оғир инфекция касалликларини келти- риш чиқариши мумкин.

Кимёвий ифлослантирувчилар – пестицидлар, гербицидлар, саноат чиқиндилари, шунингдек, сув қувур- лари коррозияси натижасида сувга ту- шиб қолган металллар (кўрғошин, мишяқ, симоб)дир.

Физик ифлослантирувчилар эса лойка ва бошқа муаллақ зарралардан ташкил топиб, ичимлик сувининг шаф-

фоллиги ва сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган салбий ҳо- латларнинг олдини олиш учун аҳолини тоза ва хавфсиз ичимлик суви билан таъминлаш муҳим ҳисобланади. Ичи- млик суви хавфсизлигини таъминлаш комплекс ёндашуви талаб этади: ман- бани муҳофаза қилишдан тортган, суви тозалаш ва истеъмолчига етказиш жа- раёнларига.

Сув манбаларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш биринчи муҳофаза чи- зиги ҳисобланади. Бу, чиқиндиларни тўғри утилизация қилиш, қишлоқ хў- жалиги оқимини тартибга солиш, сув хаззалари атрофида табиий буфер ҳў- дуларни сақлаш каби тадбирларни ўз ичига олади. Ичимлик суви махсус сув тозалаш иншоотларида тайёрланади. Ушбу иншоотларда тиндириш, коагу- ляция, чўктириш, филтрлаш ва дезин- фекция каби бир қатор технологиялар қўлланилади. Дезинфекция қилишда хлордан фойдаланилади, у бактерия- ларни самарали равишда йўқотади. Шу- нингдек, сувга ультрафиолла нурлари билан ишлов бериш усули ҳам қўлла- нилиб, сувнинг таъми ва ҳидини ўзгар- тиб, ҳолдан яхши микробиологик самара беради.

Сув манбаларини муҳофаза қилиш, суви замонавий технологиялар асо- сида тозалаш, сув таъминоти иншоотлари ва сув узатувчи қувурларнинг техник ҳолатини доимий равишда назорат қи- лиш ва мунтазам тозалаш туриш, кор- розияга учраган эски қувур ва арма- тураларни алмаштириш, белгиланган техник хизматларни бажариш, носоз- лик (авария) ҳолатларини ўз вақтида бартараф этиш истеъмолчиларни си- фатли ичимлик суви билан таъминлаш- нинг гаровидир.

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудў- дий назорат қилиш инспекцияси ҳам ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва зирлиги хузуридаги Санитария-эпи- демиология сойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси билан ҳамкорликда ис- теъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик сувининг сифати ва белги- ланган талабларга мувофиқлиги юза- сидан давлат назоратини олиб бор- мовда. Хусусан, 2025 йилнинг ўтган даврида ичимлик суви таъминоти тар- моқларидан 1824 та намуна олинди, таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра, 3 та ҳолатда ичимлик сувининг

стандарт талабларга мос келмаслиги аниқланиб, сув таъминот корхонасига нисбатан белгиланган тартибда чо- ралар қўрилди. Ўрганилган 27 та сув ишлаб чиқариш иншоотидан 2 тасида суви зарарсизлантириш воситалари билан таъминланганлик даражаси та- лабга жавоб бермаслиги аниқланиб, камчиликларни бартараф қилиш юза- сидан сув таъминоти корхонасига қўр- сатмалар киритилди.

Шунингдек, инспекция томонидан ичимлик сувидан оқилона фойдала- ниш, оқова сувларни чиқариб юбориш, ичимлик суви ва оқова сув тармоқла- рига ўзбошимчалик билан уланishi- нинг олдини олиш юзасидан доимий равишда назорат тадбирлари ўтказил- моқда. Ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 2025 йилнинг ўтган даври- да 579 ҳолатда сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш тармоқларига ноқо- нуний уланishi ҳолатлари аниқланиб, 564 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жарима қўлланилди. 15 та хо- латда қондабузарлик юзасидан тўп- ланган ҳужжатлар қонуний қарор қабул қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Бундан ташқари, жорий йилда 458 та бюджет ташкилотда ўтказилган ўрганиш натижаларига бўйича 51 та қо- ндабузарлик ҳолати аниқланиб, манса- бор шахсларига нисбатан маъмурий жарималар қўлланилди. Тадбиркор- лик субъектларида сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш қоидаларига амал қилиниши юзасидан ўтказил- ган текширишлар натижалари бўйича аниқланган қондабузарликлар юза- сидан тадбиркорлик субъектларини 37 нафар мансабдор шахсга маъмурий жарималар қўлланилди.

Инспекция томонидан 2025 йил- нинг ўтган даврида 637 нафар манса- бор шахсга нисбатан жами 1 928,0 мил- лион сўм миқдорда маъмурий жарима қўлланилиб, аниқланган камчиликлар- ни бартараф этиш юзасидан 200 дан зиёд қўрсатма киритилди ҳамда камчи- ликлар бартараф этилди.

ҚИЗИЛТЕПА ТУМАНИДА МҲАММОЛАР ЎЗ ВАҚТИДА БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Дилафруз ХАЛИЛОВА, Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзоси.

Юртимизда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда.

– Биласизми, бу- гунги кунда юр- тимизнинг барча жаба- ларида ислохотлар барқарор кетяпти. – деди Қизилтепа туман ҳокими Бекзод Бобо- муродов. – Буларнинг замирида инсон кад- ри, аҳолининг буту- нидан рози ва бахтли яшашидек эзгу мақсад мужассам. Шу ўринда, туманимизда туғилиб ўсган ва кўп йиллардан буён ис- тикомат қилиб келаётган аҳолининг яшаш шaroитла- ри хар томонлама ўрганилиб, уларнинг муаммоларини бартараф этишга ҳаракат қилияпти. Хусусан, 87 ёшни қаршилаган Исмоил бобо Тўхтаев ва рафикаси Шаро- фат ая Дипловаларнинг яшаш хонадони манзилли ўр- ганилиб, таъмирталаб ҳолдаги хонадон тўлиқ бузилди ҳамда янгидан қуриб берилди. Шунингдек, Бўстон маҳалласида ёлғиз яшовчи, 1-гуруҳ ногирони Собир Хайитовнинг ҳолидан хабар оланиб, отақоннинг таъ- мирталаб ҳолатдаги уйи янгитдан, барча қулайликлар билан қайтадан қуриб берилди. Ушбу фуқаролар соғ- ликларини тиклаш ва дам олишлари учун Тошкент шаҳридаги дам олиш масканларига юборилди.

Шунингдек, маҳаллаларда олиб борилган ўр- ганишлар давомида, Азизобод маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаролар – Жалол Қурбонов ва Наргиза Нурматоваларнинг хонадони ҳам таъмирталаб ҳо- лалиги аниқланди. Эски уй бузилиб, ўрнида барча шарoитга эга замонавий янги хонадон қурилиб, эга- ларига топширилди. Оиланинг қувончига яна қувонч қўшиш мақсадида, 2 нафар ўғилларига хатна тўйлари ҳам ўтказилиб, болақонларга қимматбаҳо совғалар берилди.

Бугунги кунда тумандаги мавжуд 48 та маҳалла- да 167 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади.



Маҳаллалар инфратузилмаларини янада яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, жорий йилнинг ўтган даврида тегишли дастур асосида 50 километрдан ортиқ ички йўллар шағаллаштирилди ҳамда 38 километр йўллар асфальт қилинди. Шунинг- дек, 21 километр пиедалар йўлаги қўрилиб, 184,9 ки- лометрдан ортиқ янги электр тармоғи тортилди ва 1250 та эскирган таянч устунлари бетон устунларга алмаштирилди. 56 та янги трансформатор ўрнатилиб, 112 та трансформатор пункти таъмирланди.

Шу билан бирга, жорий йилда туман марказидаги Ўзбекистон шoҳ кўчасининг 800 метрдан ортиқ қисми кенг имкониятларга эга бўлган 24/7 тизимида ишлай- диган кўча сифатида аҳоли учун фойдаланишга топ- ширилгани ҳам фаровонлик сари қўйилган яна бир қадам бўлди. Бу ерда амалга оширилган қурилиш ва таъмирлаш лойиҳалари ҳамда қулайликлар яратиш- га 3 миллиард сўм маблағ сарфланди. Мазкур кўчада пиедалар йўлаги ва велойўлақлар қаторида ногирон- лиги мавжуд бўлган фуқароларга ҳам алоҳида талаб даражасидаги йўлақлар ташкил этилди. Қизилтепа- ликларга қуну тун хизмат кўрсатаётган кўча тумани- миз аҳолиси ҳамда ёшларнинг бўш вақтларини маъ- муллий ўтказишда муҳим аҳамият касб этапти.

– Шунингдек, туманда Ислом тараққиёт банки ва ОПЕК Халқаро тараққиёт жамғармаси иштироки- да “Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳаси доирасида Азизобод ва Оқмичат маҳалла- ларида “Маҳалла маркази” қурилиб, фойдаланишга

топширилди, – дея суҳбатда давом этди Бекзод Бобо- муродов. – Ушбу марказ бинолари 3 қаватни ташкил этиб, ертўла қисмига ҳам эга. Унда маҳалла биноси, кутубхона, касбга йўналтириш маркази, ўқув мар- кази, ёшлар маркази, пишириқлар тайёрлаш цехи, савдо дўконлари, сартарошхона, гўзаллик салони, фитнес зали, иккита тикувхона, маиший техника воситалари- ни тузатиш устaxonаси, кийимларни кимёвий тозалаш хизмати, мева ва сабзавотларни сақлаш, қадоқлаш ва сотиш масканлари мавжуд. Бу бинолар эндиликда ушбу маҳаллаларнинг қинамак марказига айланди, десак муболага бўлмади. Юқоридаги лойиҳа асосида Арабхона ва Азизобод маҳаллаларида ҳам 50 қатнов- ли, барча шарoитга эга оилавий шифокорлик пунктла- ри ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Булардан ташқари, кексалари эъзозланган юрт кадр топади деганларидек, ёши улўғ нурунийларимизга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳаёт даражасини оши- риш учун туманимиз марказида барча қулайликларга эга бўлган замонавий “Нурунийлар маскани” қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу сўлим масканининг кад ростлаши учун 1,5 миллиард сўм маблағ сарфлан- ди. Ушбу маскан 20 мингдан ортиқ нурунийга хизмат қилади. Масканда нурунийларнинг мазмуллий хордиқ олитлашлари учун спорт-соғломлаштириш анжомлари, шахмат-шашка ҳамда дилдан суҳбатлашишларига кенг имкониятлар яратилди.

Таъкидлаш керакки, Қизилтепа туманининг рав- наки учун тадбиркорлар ҳам яратилган имконият- лардан фойдаланиб, астойдил, бирдамликда меҳнат қилмоқда. Яъни бирдамлик бор жойда, барқарор ри- вожланиш ва юқори марралар сари ўсиш бўлади. Ту- манимиз тадбиркорлари турли йўналишларда бир қатор янгиликларни амалга оширишмоқда. Хусусан, тадбиркор Ойбек Муродов бошчилигида “Бибиржаб ая ворислари” МЧЖ томонидан туманининг Сўфийи маҳалласида илк бор 240 ўринли “Парвоз” хусусий мактаби фаолият бошлади. Тадбиркор Ориф Жумаев томонидан эса Ўзбекистон шoҳ кўчасида кад ростла- ган 105 та хонадон ва 100 дан ортиқ фуқароларнинг бандлигини таъминлайдиган 16 та маиший хизмат кўрсатиш объектидан иборат кўп қаватли хонадонлар ҳам фойдаланишга топширилмоқда.

Туман ҳокими суҳбатимиз сўнггида ўз хулосалари- ни шундай баён қилди:

– Хулоса ўрнида айтиш лозимки, бугун Қизилтепа туманида амалга оширилаётган бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Гап уларнинг сониде эмас албатта, аввало, барқарор ривожланишда, давлати- ми раҳбарининг мамлакатимизда олиб бораётган кенг қўламли ислохотларида, юксак эътиборида, деб биламан. Туманимизнинг ижтимоий-иқтисодий ри- вожидеги янги ўзгаришлар ҳамда аҳолининг юз-кў- зидеги хурсандчиликни илғаб, қўнглингиз тоғдек юксалади. Албатта, амалга оширилаётган хар бир ислохот жамият манфаатига хизмат қилган тақдир- дагина, юқори ва қутилган самарани беради. Она Ва- танимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлида ҳаётнинг қадрига етиш, қамолотга эришиш, осуда ҳаётимиз равнақ топишига ўз хиссамизни қўшиш – барчамиз- нинг инсоний бурчимиз.

Хитой компанияси билан ҳамкорликда йирик лойиҳа старт олди

Зулфизар МАВЛОНОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бухоро вилоятида чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини модернизация қилиш ва энергия таъминотида барқарорликка эришиш мақсадида Хитойнинг етакчи саноат компанияларидан бири “Wangneng Environment Co., Ltd.” вакиллари билан музокаралар бўлиб ўтди.



Лойиҳа қиймати 180 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Унинг амалга оширилиши натижасида вилоятдаги чиқинди полигонларига ташланаётган чиқиндилар миқдори- ни камайтириш, экологик вазиятни барқарорлаштириш, қайта тикланувчи энергия улушини ошириш ва қўллаб янги иш ўринларини яратиш режа- лаштирилган. Вилоят ҳокими Ботир Зарипов бошчилигида ташкил этилган учрашувда компания мутасадди- лари онлайн тарзда иштирок этди.

– Ҳозирда Ўзбекистонда чиқин- диларни бошқариш соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотлар юқори самара берапти, – деди компаниянинг инвестиция департаменти раҳбари Хуанг Енц. – Шу сабабли, инвесторлар учун яратилаётган имтиёзлар нати- жасида Бухоро вилоятида ҳам замо- навий технологияларга асосланган чиқиндини қайта ишлаш ва энергия ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш ишларини бошлаб юбордик.

Учрашувда мазкур лойиҳанинг ташкилий масалалари, унинг босқич- ма-босқич амалга оширилиши ва технология ечимлари батафсил муҳо- кама қилинди. Компаниянинг Ўзе- бекстондаги координатори Эллис хо- ним ҳамкорликнинг ишонч ва ўзаро манфаатга асосланганини, лойиҳа ви- лоят экологик аҳолини яхшилаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга хизмат қилишни таъкидлади.

– Хитой билан йўлга қўйилаётган ушбу ҳамкорлик ҳудуд иқтисодий са- лоҳиятининг ошишига, энергетика таъминотида барқарорликнинг мус-

таҳкамланишига ҳамда янги ишлаб чиқариш йўналишларининг шаклла- нишига замин яратади, – деди Ботир Зарипов.

Халқаро экологик саноатда ўз ўрнига эга бўлган “Wangneng Environment Co., Ltd.” 1993 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндида энергия ишлаб чиқариш соҳасида етакчи инноваторлардан бири сифатида танилган. Компания- лари софти офиси Хитойнинг Чжег- сянь вилоятида жойлашган бўлиб, 13 мингдан ортиқ юқори малакали мутахассисни бирлаштирган кенг қўламли саноат тизими шаклланти- рилган. Корхона фаолияти замонавий технологиялар, экологик хавфсизлик тамойиллари ва барқарор ривожла- нишга қаратилган ёндашув билан ажралиб туради.

2024 йилда компания 4,44 мил- лиард АҚШ доллари миқдоридеги умумий даромад ва 785 миллион дол- ларлик соф фойда қайл этиб, ўзининг моливий барқарорлиги ва бозор етакчилигини яна бир бор тасдиқла- ди. Wangneng нафақат Хитойда, бал- ки халқаро миқёсда ҳам фаолиятини кенгайтириб, Камбоджа, Таиланд ва Вьетнам каби давлатларда экологик ва энергетик йўналишдаги бир қатор йирик лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда.

Музокаралар якунида туманлар ўзаро ҳамкорликни изчил равишда кенгайтириш ва мавжуд лойиҳа- лар жараёнларини маддаллаштириш бўйича келишувга эришилди.

БУГУНГИ ЖИЗЗАХ

юртимиз тараққиётининг ёрқин тимсолига айланмоқда

Бекжон Жўрақулов, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Президент ташрифи ҳар бир ҳудуд ривож, келгуси ҳаёти, умуман, барча соҳаларда ижобий ўзгаришларга сабаб бўлиши бор гап. Қолаверса, Юртбошининг ташрифи ўша ҳудуд аҳолисига ҳам ўзгача ғурур, ифтихор, ватанга дахлдорлик туйғусини бағишлаб, кўтаринки кайфият уйғотиши ҳам сир эмас. Президент Шавкат Мирзиёевнинг бу галги ташрифи ҳам Жиззахликлар қалбига олам-олам қувонч улашишдан ташқари, юрт келажига масъулият ҳиссини ҳам уйғотгани аниқ. Буни ҳар бир соҳада эришляётган ютуқлар мисолида янада яққолроқ кўриш мумкин.

Ташриф давомида Президентимиз sanoat, қишлоқ хўжалиги, туризм, инфратузилма ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар билан яқиндан танишди. Юртимиз тараққиётининг ёрқин тимсолига айланмоқда. Юртимиз тараққиётининг ёрқин тимсолига айланмоқда. Юртимиз тараққиётининг ёрқин тимсолига айланмоқда.

Қуйида бугунги Жиззахнинг янги қиёфасини яратишга ҳисса қўшаётган энг йирик бунёдкорлик лойиҳалари билан танишишингиз мумкин.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА БУНЁД ЭТИЛГАН МАСКАН



Бугун Жиззах шаҳри тараққиёт манзарасида юксак бунёдкорлик, замонавий архитектура ва иқтисодий жонланнинг ёрқин тимсоли сифатида "Kok Saroy Resident City" савдо мажмуаси алоҳида ўрин тутмоқда. Маданият маҳалласида жойлашган ушбу йирик савдо комплекси вилоятимизда тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги улкан ислохотларнинг амалий самараси сифатида қад ростлади.

3,5 гектар ер майдонини эгаллаган мажмуа - том маънода Жиззахнинг замонавий савдо ва хизматлар марказига айланди. 45 миллиард сўм қий-мадаги мазкур лойиҳа - давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Худудларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, маҳаллий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш" сиёсатининг амалий ифодасидир. Бугун Жиззахликлар нафақат қўлай, замонавий ва кенг имкониятларга эга савдо мажмуасига, балки янги иш ўринларининг юзга келишига, оилавий даромадларнинг ортишига, маҳаллий тадбиркорларнинг қўллаб-қувватланишига ҳам гувоҳ бўлишмоқда.

Лойиҳа доирасида 500 дан ортиқ янги тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилиши натижасида жами 850 нафар фуқарога янги иш ўринлари яратилди. Айниқса, 200 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларига барқарор иш берилиши - ижтимоий ҳимоя тизимидаги чуқур ўзгаришларнинг амалий ифодасидир. Бу орқали кўплаб хонадонларга барака

кириб, оила фаровонлиги ва ҳаёт сифати ошмоқда.

Мажмуанинг 1-3 қаватларида жами 250 та савдо дўкони жойлашган бўлиб, улар кийим-кечак, машиий техника, чарм буюмлар, заргарлик, косметика, китоблар, машиий хизматлар каби турли йўналишларни ўз ичига олади. 4-қават эса оилавий ҳордиқ учун мўлжалланган: 10 та умумий овқатланиш шохобчаси, тури ошхоналар, миллий ва халқаро таомлар, шунингдек, ўғил-қизлар учун замонавий аттракционлар, ўйин майдончалари ташкил этилган.

Мажмуанинг ички дизайни, ёруғлик ечимлари, кенг атриум зали, юқори технологик лифт ва эскалаторлар, дам олиш ҳудудлари, экологик уйғунлаштирилган яшил майдонлари замонавийлик, қўлайлик ва жозибдорликни таъминлайди. Бу эса, Жиззахнинг нафақат иқтисодий, балки маданий ҳаётига ҳам янги босқични бошлаб берди. Бугун Жиззахликлар ушбу мажмуани фарх билан "янги замонавий савдо шаҳарчаси" деб аташмоқда. Зеро, бу бунёдкорлик - халқимизнинг меҳнатига, сабр-қаноатига, янгиланиш сиёсатига бўлган чексиз ишончнинг маъсулидир.

Дарҳақиқат, Жиззах аҳли томонидан билдирилаётган шукроналик туйғуси бежиз эмас. Янги савдо мажмуаси нафақат бир бино, балки умид, ишонч, барқарор ривожланиш ва истиқбол рамзига айланди. Юртимизда ҳар бир ҳудуднинг, ҳар бир маҳалланing қиёфасини ўзгариштириш, аҳоли ҳаёт тарзини яхшилашга қаратилган ислохотлар айнан шундай амалий ташаббуслар орқали ўз ифодасини топмоқда.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ - ЭНГ КАТТА БОЙЛИК



Жиззах шаҳрида тиббий хизмат сифатини янги босқичга олиб чиқадиган навбатдаги муҳим қадам - Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Бугун ушбу маскан замонавий шифохона, илмий-амалий марказга айланди. Лойиҳанинг умумий шартнома қиймати 54 миллиард 694 миллион сўмдан ортиқ маблағни ташкил этиб, қурилиш-монтаж ишларида Жиззах вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК ДМ буюртмачи, бош пудратчи сифатида "ERGOHAUS" МСЧ фаолият олиб борди.

Янги барпо этилган 4 қаватли бино бугунги замон талаблари асосида жиҳозланди:

- юқори аниқликдаги диагностика ускуналари;
- шошилинч операцион блоklar;
- реанимация ва интензив терапия бўлимлари;
- тоза ҳаво тизимлари;
- беморлар ҳаракати учун хавфсиз ва қўлай транспорт тизимлари билан таъминланди.

Бу янгиланишлар нафақат шифокорлар учун иш самарадорлигини оширади, балки энг муҳими - Жиззах аҳолиси учун ўз вақтида, сифатли ва профессионал тиббий

КЕЛАЖАК ИНЖЕНЕРЛАРИ УЧУН БЕҚИЁС ИМКОНИЯТ



- робототехника;
- 3Д моделлаштириш;
- график дизайн ва веб-дизайн;
- мечаotronика;
- стартаплар билан ишлаш;
- ва замонавий касбларнинг яна ўндан ортиқ йўналишлари.

Дунё таърибасининг кўрсатишича, ёшларни айнан шу соҳаларда эрта тайёрлаш келажак иқтисодиётининг рақо-

батбардошлигини кескин оширади. Шунинг учун технопаркнинг очилиши Жиззах учун нафақат ҳудудий, балки стратегик аҳамиятга эга бўлган тарихий қадам сифатида баҳоланмоқда.

Мазкур технопарк айнан Жиззах политехника институти талабалари учун революцион воқеали бўлди. Авваллари назарий маълумотлар билан чекланган кўплаб йўналишлар бугун амалий таж-

риба билан тўлиқ бойитилмоқда. Талабалар бу ерда машинасозлик жараёнларини амалда кузатади, робототехника тизимларини йиғида, мехатроник модулларни синовдан ўтказида, автомобиль саноатида оид технологиялар билан ишлайди, стартаплар учун кичик ишлаб чиқариш линияларида ўз гоёсининг прототипини яратди.

Шубҳасиз, бу каби имкониятлар илгари чет эл йирик технопарклари ёки пойтахтдаги илмий марказларгагина хос эди. Эндиликда Жиззах ёшлари ҳам шу даражадаги технология муҳитда ўқиб имкониятга эга бўлди.

Технопаркдаги энг катта янгиланганлардан яна бири - кичик ишлаб чиқариш зонасидир. Бу зона ёшларнинг инновацион гоёларини прототип даражасига етказиш учун мўлжалланган бўлиб, унда:

- 3Д принтерлар,
- лазерли кесиб ускуналари,
- СНС станоклари,
- тажриба тўпламлари,
- электроника монтажи учун махсус лабораториялар мавжуд.

Энг эътиборлиси, ёшлар бу имкониятдан беулоқ фойдаланишлари мумкин. Бу эса, ҳар қандай иқтидорли талабанин ўз гоёсини реал маҳсулотга айлантиришига кенг йўл очди.

Янги автомобиль йўли - хавфсиз ва қўлай

Жиззах шаҳрида сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари орасида транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш алоҳида ўрин тутмоқда. Мирзо Улуғбек номи маҳалла фуқаролар йўлини ҳудудда барпо этилган янги автомобиль йўли ҳам ана шу изчил ислохотларнинг ёрқин намунасидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори асосида бошланган мазкур лойиҳа ҳудуднинг иқтисодий фаоллигини кўчатириш, аҳоли ҳаёт сифатини юксалтириш ва қўлай транспорт ҳаракати яратишга қаратилган.



Лойиҳа доирасида 4К-253а - Ислон Каримов шох кўчаси шохобча автомобиль йўлини М-39 "Тошкент-Термиз" халқаро аҳамиятдаги йўлга боғловчи 4 километр узунликдаги янги автомобиль йўли ҳамда 700 погон метр узунликдаги йўл ўтказгич қурилди. Бу иншоотлар нафақат Жиззах шаҳрининг транспорт тизимида, балки бутун ҳудуднинг логистик салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Лойиҳа буюртмачиси - "Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" ДУК, лойиҳа муаллифи - "Боштрансройс" АЖ ва бош пудратчи - "Камчиқавтой" ИИФУК ҳисобланади. Ишлар давлат бюджетидан маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиб, умумий қиймати 127,786 миллиард сўмни ташкил этди. Мазкур йўл инфратузилмасининг барпо этилиши маҳаллий аҳоли учун катта қўлайлик-

лар яратди. Аввало, транспорт оқими тартибга тушди, йўловчи ва юк ташин имкониятлари кенгайди, иқтисодий фаоллик ошди. Энг муҳими - одамлар ҳаётига бевосита таъсир қилувчи хавфсизлик масалалари сезиларли даражада яхшиланди. Янги ўтказгич тўғрисида аввал кўп учрайдиган тирбандликлар ҳамда чорраҳалардаги хавфли вазиятлар сезиларли қамайди.

Бу каби йирик инфратузилма лойиҳаларининг ҳаётга татбиқ этилаётгани бежиз эмас. Мамлакат миқёсида йўл-транспорт тизимини модернизация қилиш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар Жиззахда ҳам ўз

самарасини бермоқда. Шаҳар равнақ тоғида, маҳаллалар боғланмоқда, иқтисодий алоқалар мустаҳкамланмоқда. Бу жараёнларда тимсимиз меҳнат қилаётган муҳандислар, қурувчилар, мутахассислар ҳам алоҳида эътирофга лойиқ.

Бугунги кунда ушбу йўл ҳам Жиззахликлар, ҳам ички ва халқаро йўловчилар учун янада хавфсиз, қўлай ва тезкор ҳаракатланиш имкониятини тақдим этмоқда. Шаҳримиздаги ушбу янгиланиш - халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган улкан бунёдкорлик сиёсатининг натижасидир.

Бир сўз билан айтганда, Жиззах ўзининг замонавий қиёфасини тобора мустаҳкамламоқда. Янги йўллар - янги имкониятлар, янги тараққиёт йўли, дегани. Биз эса, яратилаётган бу қўлайликлар учун миннатдорлик билан яшашимиз ва улардан оқилона фойдаланишимиз лозим.

ЗАМОНАВИЙ КЎЗ КАСАЛЛИКЛАРИ ШИФОХОНАСИ



Жиззах шаҳрининг "Оққўрғонлик" МФЙ ҳудудида яна бир эзгу ва катта аҳамиятга эга тиббиёт маскани - вилоят кўз касалликлари шифохонасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Янги инфратузилма нафақат замонавий архитектура ечимлари, балки юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкониятлари билан ҳам юртдошларимиз учун катта совға бўлди.

Лойиҳа Жиззах вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК ДМ буюртмачи, пудратчи - "Мукаммал қурилиш савдо" МЧЖ томонидан му-

вафакатли амалга оширилди. Ушбу шифохона вилоятимизда кўз касалликлари бўйича ихтисослаштирилган бўлиб, замонавий технологик жиҳозлар, қўлай қабул хоналари, амалиёт ва диагностика блоklари - буларнинг барчаси аҳолига тез, аниқ ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш учун яратилди. Шифохонанинг ишга туширилиши билан Жиззах аҳолисига юқори маъналик, сифати кафолатланган офтальмологик хизматлар янада яқин, янада қўлай бўлди. Бу эса, бизнинг келажакка бўлган ишончимиз ва умидларимизни янада мустаҳкамлайди.

АКУШЕРЛИК МАЖМУАСИ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАДА



Жиззах шаҳрида она ва бола саломатлигига хизмат қилувчи муҳим тиббиёт маскани - Акушерлик мажмуасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Очилиш маросимида Жиззах шаҳар ҳокими Комил Холмуродов, тиббиёт соҳаси вакиллари ҳамда фаоллар ва жамоатчилик иштирок этди.

Шартнома қиймати 9 миллиард 734 миллион сўмдан ортиқ маблағни ташкил қилувчи ушбу объектга Жиззах вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК ДМ буюртмачи "Анд тех-наз" МСХЖ пудрат ташкилоти ҳисобланади. Қурилиш-монтаж ишлари натижасида бинонинг асосий қисми, коммуникация тизимлари, муолажа

хоналари, туғруқ блоklари, неонатал бўлимлар, лабораториялар ҳамда ташхис қўйиш хоналари тўлиқ халқаро стандартларга мос равишда янгиланиб, замонавий вентиляция, стерилизация, ёритиш, хавфсизлик ва санитария тизимлари ўрнатилди.

Янги қурилишдаги туғруқ мажмуаси:

- она ва болага юқори стандартдаги хизмат кўрсатишга мўлжалланган;
- чақалоқлар учун замонавий реанимация ва неонатология бўлимлари билан таъминланган;
- шифокор ва фельдшерлар иш фаолиятини энгиллаштирадиган инновацион технологиялар билан бойитилган;
- беморлар учун ёруғ, кенг, қўлай палаталар, махсус санитария хоналари ва кутиш жойларига эга.

Ушбу замонавий туғруқ комплекси Жиззах шаҳрида сифатли тиббий хизматнинг янада ривожланишига муносиб ҳисса қўшади. Она ва бола саломатлиги - жамият тараққиётининг муҳим кўрсаткичи, бугун эса ушбу йўналиш янги босқичга кўтарилди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги Жиззах юртимиз тараққиётининг ёрқин тимсолига айланмоқда. Юртбошининг ташрифи эса, вилоятимиз аҳлини янада ишонқилантириб, ушбу тараққиётни шиддат билан давом эттишига сабаб бўлиши шубҳасиз...

ПИЗА МИНОРАСИ — ҚИЯЛИКДАГИ МУКАММАЛЛИК

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Дунё архитектура мўъжизалари орасида Пиза минораси сирли қиялиги, ўзига хос меъморий уйғунлиги ва асрлар давомида синовлардан омон чиқиши билан алоҳида ажралиб туради. У нафақат Италия, балки инсоният тафаккурининг ҳам тимсолга айланган – оғишган, аммо барқарор, йиқилишга яқин, аммо бардавом.

Пиза минораси қурилиши 1173 йилда, Пиза шаҳрининг энг гуллаган даврида бошланган. Дастлаб бу иншоот шунчаки Собор кўнгирак минораси сифатида режалаштирилган эди. Аммо у ўз тарихини яратган пайтдаёқ инсон меҳнатининг, табиат кучининг ва архитектура ҳаёликларининг ғаройиб синовига айланди. Қурилиш ишлари танаффуслар билан 199 йил, яъни 1370 йилгача давом этди. Бунинг сабаби – минара остидаги юмшоқ туپроқ эди. Пойдевор хали биринчи қаватгача кўтарилмасдан бино жанубга оға бошлади. Уша пайтда оғиш атиги 4 сантиметр эди, бироқ кейинчалик бу рақам узок йиллар мобайнида 5,5 градусгача етди. Тарихий манбаларда асл меъмор кимлиги борасида турлича фикрлар келтирилади. Бонанно Пизано лойиҳанинг муаллифи сифатида тилга олинади, аммо кейинги тадқиқотлар Диотисалви ҳам қурилишда асосий роль ўйнаган бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

ТОШДА БИТИЛГАН УЙҒУНЛИК

Пиза минораси – Роман-Пиза меъморчилигининг энг ёрқин намунаси ҳисобланади. У оқ мрамор тошдан тикланган бўлиб, коринф услубидаги устунлар, юмалоқ аркалар ва византияга хос бўлган безак элементлари билан ажралиб туради. Хар бир қават ўзида нафислик ва мувозанатни ифода қилади. Бир қарашда у мукамал симметрияга эга кўринади. Аммо диққат билан қараганда, хар бир поғонада инсоннинг табиат билан кураши, хар бир қаватда эса хатодан яралган гўзаллик мужассам.

Юқори қаватдаги готика унсурлари эса Романеска қатъиятига нафис жило беради. Бу уйғунлиги 1372 йилда кўнгирак қаватини барпо этган Томма-со ди-Андреа Пизано моҳирлик билан бирлаштири олган. У яратган юқори қаватда еттига кўнгирак бор – муҳаббатнинг етти нотаси каби уларнинг хар бири ўзига хос оҳанг таратади.

ХАТОДАН САНЪАТ САРИ

Пиза минорасининг биринчи қавати 11 метр баландликда қурилган заҳоти оғиш бошлангани сабаб, қурилиш бир асрга яқин тўхтатилди.

Кейинги босқичда муҳандислар оғишни тўғрилаш мақсадида туپроқ ётқиши, баландликини текислаш каби усуллари қўллашди. Аммо бу чора етарли бўлмади. Еттинчи қават 1319 йилда якунланди, охириги – кўнгирак қавати эса 1372 йилда битказилди. Шундай қилиб, 199 йил давом этган меҳнат натижасида дунё "қулайди" деб ўйланган, аммо асрлар давомида турган иншоот юзага келди.

ОҒИШ САБАБИ ВА БАРҚАРОРЛИК МЎЪЖИЗАСИ

Миноранинг энг катта сирларидан бири – унинг қандай қилиб ҳанузгача қуламаганидир. 1280 йилдан бери бу ҳудудда қамида тўртта кучли зилзила содир бўлган, аммо минара бардавом қолган.

Мутахассислар бу ҳодисани "динамик структура ва туپроқнинг ўзаро таъсири" билан изоҳлайди. Яъни, пойдевор



остидаги юмшоқ туپроқ минара тебранишларини "ютиб", зарбани камайтирган. Қизиги шунданки, оғишга сабаб бўлган ўша туپроқ, айнан шу хусусияти туфайли уни қулашдан ҳам сақлаб қолган.

РЕСТАВРАЦИЯ ВА ТИКЛАНИШ ДАВРИ

XX асрга келиб, минара хавфли даражада оғиб кетди. 1990 йилда у 5,5 градуслик қияликда бўлиб, қулаш эҳтимоли юқори эди. Шу боис, жамоатчилик учун ёпилди. 1993 йилдан 2001 йилгача олиб борилган илмий реставрация натижасида 870 тонна кўрғошин қаршилик оғирликлари ўрнатилиб, 38 куб метр туپроқ олиб ташланди. Натижада қиялик 3,97 даражагача камайди. 2001 йил 15 декабрда минара қайта очилди ва қамида 300 йил давомида барқарор, деб эълон қилинди.

1987 йилда Пиза шаҳри ЮНЕСКО-нинг Жаҳон мероси рўйхатида кири-

тилди – бу Пиза минорасининг нафақат архитектура, балки бутун инсоният маданияти учун аҳамиятини яна бир бор тасдиқлади. Шунингдек, физик олим Галилео Галилей айнан шу минара тепасида оғирлик ва тушиш тезлиги ўртасидаги боғлиқлиқни исботлаш учун тажрибалар ўтказган. У турли оғирликдаги жисмларни бир вақтнинг ўзида ташлаб, уларнинг бир хил тезликда тушишини кузатган ҳамда Пиза минораси тарихида илмий инқилоб руҳи ҳам яшайди, деган фикрларни илгари сурган.

АРХИТЕКТУРА САБОҒИ: ОҒИШ ҲАМ ГЎЗАЛЛИКДИР

Бутун Пиза минораси 58 метрлик баландликда турибди, 294 зинапоёси билан сайёҳларни ўз бағрига қақиради. У тошдан ясалган, лекин руҳга эга. У хатодан бошланган, аммо мукамалликка айланган. Шу боис, Пиза минораси – бу нафақат меъморий ёдгорлик, балки

барқарорлик, сабр ва инсон иродасининг рамзидир. Унинг хар бир поғонаси бизга шунини эслатади: баъзан мукамалликка эришиш учун оғиш керак бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Пиза минораси ўз холича тургани билан, инсониятга буюк дарс беради. У оғишдан кўрқмаслик, беқарорлик ичда мувозанат топиш, хатодан санъат яратиш мумкинлигини исботлайди. Шунингдек, хар йили Пизага миллионлаб сайёҳлар ташриф буюради. Улар миноранинг олдида суратга тушишади – баъзилар "уни қўллари билан ушлаб тургандек", бошқалар эса "оғмаликни тўғрилайтгандек". Аммо аслида, ҳеч ким бу оғмаликни тўғрилашни хохламайди. Чунки у инсоният тарихидаги энг гўзал "камчилик", энг фахрли меъморий сир. Шунинг учун ҳам, Пиза минораси бутун ҳам Италия рамзи, меъморчилик санъати ва инсон иродасининг тимсоли бўлиб қолмоқда. Оғмалик – у учун нусхон эмас, балки мукамалликка етакловчи йўлдир.

Талабалар Ислом цивилизацияси маркази билан яқиндан танишдилар

Жамшид МАРДИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети катта ўқитувчиси, подполковник.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети Чегара қўшинлари тактик бошқарув бўғини офицерлар малака ошириш курси тингловчилари Ислом цивилизация марказига маънавий-маърифий ташриф уюштирдилар.

Марказ миллий ва ислом тамаддуни тарихини кенг тарғиб этишга хизмат қилади. Ташриф давомида талабалар марказнинг экспозиция заллари, қадимий кўлэмалар фонди, интерактив кўрғазмалар ҳамда мультимедиа платформалари билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, ислом цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар мероси ҳақида маълумот берилди.



Шунингдек, марказ мутахассислари томонидан тингловчиларга ислом маданияти, илмий мерос ва маънавий қадриятларни тарғиб этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳам тушунтиришлар берилди. Тингловчилар ушбу ташриф уларнинг тарихий мероса

бўлган қизиқишини янада оширганини таъкидладилар.

Мазкур маънавий-маърифий тadbир тингловчиларни ватанпарварлик, миллий ва диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этди.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил 16-18 декабрь
саналарида таваллуд
айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Девонхона мудири Гулшоной Отабоева,

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Кўп квартирали уй-жой фонднинг умумий фойдаланишдаги жойларнинг таъмирланиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Мадина Усмонова**,

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Ийгма эксперт хулосалар тайёрлаш бўйича бош мутахассиси **Бехзод Муродов**,

Техник меъёраш ва стандарташтириш илмий-тадқиқот институти мутахассиси **Нодирбек Рихсиев**,

"Ўзгирсанотлоийха" АЖ БГИ сектор бошлиғи **Гулноза Касимова**, ООПР қоровули **Улугбек Махкамов**,

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 10-устахона сектор мудири **Мираббос Миробидов**, 4-устахонаси техникни **Равшан Гулямов**, Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 2-устахонаси олий тоифали лойиҳа бош муҳандиси **Аҳед Мамедов**, Хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси оморчиси **Алишер Эргашев**, "Жиззах" филиали лойиҳа бош архитектори **Саъдулла Тагаев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Инсон ресурсларини бошқариш бўйича бош мутахассиси **Атамурат Жумамуратов**, Рақамли технологиялар бўйича бош мутахассиси **Қуатбай Жолдасбаев**,

"Иссиқлик манбаи" ДУК Андижон вилояти филиали бошлиғи **Муҳаммадзоҳиджон Тўхтабоев**, Фарғона вилояти "Қирғули иссиқлик манбаи" МЧЖ Режа-техник бўлими бошлиғи **Ботиржон Ҳакимов**,

Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги "Раҳим Раҳмон инвест" БСК ХК бош директори **Қосим Тошев**, Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги "Обод таъмирлаш қурилиш сервис" БСК МЧЖ бош директори **Наргиза Нишанбаева**, Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги "MVL Боғзор коммунал" БСК МЧЖ бош директори **Вазген Лусинян**, Миробод туманидаги "IMRANNN" БСК МЧЖ бош директори **Асадуллах Ханкишиев**ларни таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК,
УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**



IJTMOIY-IQTISODIY GAZETA
**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов,
(Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдуш Магмуров,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусахҳих **Марҳамат Мусулмонкулова**

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" **Нашриёт уйи МЧЖ** томонидан нашрга тайёрланди.

"ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ" **НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ** МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, "Ўзсанотқурилишматериаллари" уюшмаси, "ЎзГАНШКЛИТИ" МЧЖ, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, "ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (кабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ **МУХБИРЛАРИНИНГ**

ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.

Андижон вилояти: 93-410-15-18.

Бухоро вилояти: 99-704-66-69.

Жиззах вилояти: 99-525-30-05.

Қаشقдарё вилояти: 90-287-50-29.

Навоий вилояти: 99-731-17-40.

Наманган вилояти: 91-365-07-36.

Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.

Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.

Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.

Фарғона вилояти: 90-349-55-56.

Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466.

Буюртма – Г- 1241.

1748 нусхада босилди.

Қоғоз бичими А-2.

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сахифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,

"Буюк Турон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Хўжаева.

Навбатчи – А. Этамбердиев.

Ўза якуни – 21.42.

Тошпирилди – 22.25.